

Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармасининг

НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

1.1 Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси (кейинги ўринларда матн бўйича – бошқарма деб аталади) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.2 Бошқарма техник жиҳатдан тартибга солиш фаолияти бўйича ўзининг ҳуқуқ доирасида умумий бошқарув, мувофиқлаштириш ва назоратни амалга оширади, юқорида кўрсатилган соҳада иш олиб бориш бўйича умумий қоидаларни белгилайди.

1.3 Бошқарма ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Фармойишларига, қарорларига, кўрсатмаларига, маърузаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишлар баёни қарорларига, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ноорматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида Низом”га “Ўзстандарт” агентлигининг буйруқ ва қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал қилган ҳолда иш юритади.

2. Асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

қабул қилинган техник регламентларни қўллаш асосида инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш тизими ривожлантирилишини таъминлаш.

2.2. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” ва “Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури лойиҳалари бўйича умумлашган таклифлар киритади;

- ўз ваколати доирасида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус регламентларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу регламентларни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритади;

б) қабул қилинган техник регламентларни қўллаш асосида инсон ҳаёти ва соғлиги, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида:

- техник регламентларда белгиланган талабларнинг ягоналигини таъминлаш бўйича назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида “Ўзстандарт” агентлигининг сиёсатини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Ҳукуматнинг соҳага оид қарорларини, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўрганиш ва уларда қўйилган вазифаларни ўз фаолиятида амалга ошириш;

в) техник жиҳатдан тартибга солиш тизими ривожлантирилишини таъминлаш борасида:

- халқаро ва давлатлараро стандартлар лойиҳалари ва уларга ўзгартишларни кўриб чиқиб, тегишли таклифлар киритиш;

- корхона ва ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муурожаатларини кўриб чиқиш, тегишли тушунтиришлар бериш;

- техник регламентларни ишлаб чиқиш Дастурларини тузиш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

3. Ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

- умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказди;

- ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича бўйича агентлик раҳбариятига тегишли таклифлар киритиш;

- маҳсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, маҳсулотнинг намуналарини олиш, синовлари ва ўлчовлари усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлашда иштирок этади;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этади.

- техник жиҳатдан тартибга солиш масалаларини ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

- қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш, техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан хулосалар бериш;

- маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ва сифатини таъминламайдиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг барча бошқарма, бўлим, тизим ташкилотларидан фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган маълумотларни олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Техник регламентлар ишлаб чиқиш тадбирларини амалга ошириш тартибига риоя қилиш ва ушбу тадбирлар натижаларини қонунчиликка мувофиқ расмийлаштириш;

- Техник регламентлар ишлаб чиқиш чора-тадбирлари натижалари асосида техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш;

- Ўзига юклатилган бошқа вазифаларни самарали бажариш;

4. Жавобгарлиги

Бошқарма бошлиғи ва унинг барча ходимлари ушбу Низомда кўзда тутилган функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, тақдим этаётган ва умумлаштирган маълумотномаларининг тўғрилиги учун, режа, топшириқлар, ички тартиб қоидалари бажарилиши, меҳнат, ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат муҳофазаси, техника, ишлаб чиқариш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш

Бошқарма фаолиятини қайта ташкил этиш ва уни тугатиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6. Яқунловчи қоидалар

Бошқарма буйруқлари, кўрсатмалари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек Бошқарма фаолиятига аралаштириш ва унинг ходимларига қонуний юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда тўсқинлик мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир этиш тақиқланадиган қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.